



14.04.2019



## Қариндошлик факти исботланди

УЧТЕПА туманида яшовчи фуқаро Б.Ахунджанов туман адлия бўлимига бобосидан қолган Учтепа тумани, Тўқимачи кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган уй-жойни мерос сифатида ўз номига расмийлаштира олмаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилди. Унда қайд этилишича, отасининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси бобоси ва отасининг ҳақиқатан ҳам - ота-бола эканлиги фактини белгиловчи расмий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги боис, ушбу масаланинг ҳал этилишида амалий ёрдам беришни сўраган.

Ушбу мурожаат Б.Ахунджановда мавжуд ҳужжатлар асосида ўрганилганда, бобоси ва отасининг ҳақиқатан ҳам ота-бола эканлиги фактини суд тартибида белгилатиш лозимлиги маълум бўлди.

Фуқаронинг манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига ариза киритилиб, Б.Ахунджановнинг бобоси ва отасининг ҳақиқатан ҳам ота-бола эканлиги, яъни қариндошлик факти белгиланди.

Суднинг қарорига асосан Б.Ахунджановга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида говҳнома расмийлаштириб берилиши таъминланди.

**Манзура ОЧИЛОВА,**

**Учтепа туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси**

**Уй-жойга бўлган ҳуқуқ тикланди**

ТЕРМИЗ туман адлия бўлимига 2019 йилнинг 1-чораги давомида келиб тушган жами 53 та мурожаатнинг 28 таси бўлим бошлиғи ҳамда ходимлари томонидан амалга оширилган шахсий ва сайёр қабулларга тўғри келади.

Жумладан, Термиз тумани “Гулбаҳор” маҳалласида яшовчи фуқаро З.Холбоева адлия бўлими бошлиғининг шахсий қабулига мурожаат этиб, ўзбошимчалик билан қурилган жами 0,9 га. (9 сотих) ер майдонидаги уй-жойларини тегишли тартибда ҳужжатларини расмийлаштириб беришни сўраган.

Ушбу мурожаат юзасидан тўпланган ҳужжатлар ўрганилиб, туман адлия бўлимининг аралашуви билан амалдаги қонун ҳужжатлари асосида Термиз туман ҳокимининг фуқаро - З.Холбоеванинг ер майдони ва тураржой ҳамда ёрдамчи биноларга бўлган ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги 2019 йил 22 мартдаги 1455-сонли қарорининг қабул қилинишига эришилди. Фуқаронинг уй-жойлари учун тегишли кадастр ҳужжатлари йиғма жилди шакллантирилиб, унинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

**Баҳодир АШУРОВ,**

**Термиз туман адлия бўлими бошлиғи**

---

### **Бош шифокор жаримага тортилди**

ПОП туман адлия бўлими фуқаро Э.Бердалиеванинг Поп туман тиббиёт бирлашмаси томонидан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан адлия бўлими томонидан киритилган тақдимномага асосан Поп туман тиббиёт бирлашмасининг 2019 йил 3 январдаги 3-сонли буйруғи бекор қилинди.

Шунингдек, фуқаронинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёзган аризаси Поп туман тиббиёт бирлашмасининг 132-сонли буйруғи асосида у билан тузилган меҳнат шартномаси 2019 йил 15 январдан бекор қилиниб, шу кунга қадар ишлаган ойлик иш ҳақлари ундириб берилиши таъминланди.

Шу билан бирга, Поп туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Р.Рахматуллаев томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси (Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш)да назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланиб, бош шифокорга нисбатан жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун Поп туман бандликка кўмаклашиш марказига тегишли маъмурий таклиф киритилди. Марказнинг 2019 йил 27 февралдаги қарорига асосан туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида маъмурий жарима жазоси тайинланди.

**Сарвар АБДУНАЗАРОВ,**

152 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

### Сўнгги янгиликлар:

- [“Хавфсиз пойтахт” концепцияси: ҳуқуқбузарликлар сони камайдими? \(2019 йил, 20 сон\)](#) [3]
- [Даъво аризадан сўнг фуқаро ишга тикланди](#) [4]
- [Ўқишни хоҳламаган ўқувчига контракт пули қайтариб берилди \(2019 йил, 20 сон\)](#) [5]
- [Ўтирган ўринни тозалаш керакми? Ёки булғаш? \(2019 йил, 20 сон\)](#) [6]
- [Тадбиркор муаммоси янада қисқа вақт ичида ҳал бўлади \(2019 йил, 20 сон\)](#) [7]
- [Давлат ва тадбиркор ўртасидаги мустаҳкам кўприк \(2019 йил, 20 сон\)](#) [8]
- [Иқтидорли фарзандлар қўллаб-қувватланади \(2019 йил, 20 сон\)](#) [9]
- [Бу тадбиркорга рағбат, тараққиётга имконият, демакдир \(2019 йил, 20 сон\)](#) [10]
- [Замонавий “изкувар” ёхуд Республика суд-экспертиза маркази фаолиятига бир назар \(2019 йил, 20 сон\)](#) [11]
- [Ўзбекистон адлия вазири IX Санкт-Петербург халқаро юридик форумида иштирок этди \(2019 йил, 20 сон\)](#) [12]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4707>

### Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4707>  
[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4707>  
[3] <http://insonvaqonun.uz/node/4809>  
[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4808>  
[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4807>  
[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4806>  
[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4805>  
[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4804>  
[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4802>  
[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4799>  
[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4798>  
[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4797>